

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҚАСДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ МОҲИЯТИ

М.Х. Юсупов

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6727543>

Аннотация. Мазкур мақолада ички ишлар органларининг қасдан одам ўлдириш жиноятлари профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш моҳияти тўғрисида илмий маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: жиноят, жамият, профилактика, хусусият, тестостерон, қасд, агрессия.

ОРГАНИЗАЦИЯ И УПРАВЛЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ ОРГАНИЗАЦИИ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ПО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЮ УБИЙСТВЕННЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

Аннотация. В данной статье представлена научная информация о значении организации и руководства деятельностью правоохранительных органов в предупреждении умышленных убийств.

Ключевые слова: преступность, общество, профилактика, черта, тестостерон, месть, агрессия.

THE ESSENCE OF ORGANIZATION AND MANAGEMENT OF POLICY PREVENTION KILLING ACTIVITIES IN INTERNAL AFFAIRS

Abstract. This article provides scientific information on the importance of organization and management of policy prevention killing activities in internal affairs

Keywords. crime, society, prevention, feature, testosterone, revenge, aggression.

КИРИШ

Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш ва уни олдини олиш борасида ички ишлар органларининг фаолияти замон талабларига жавоб берадиган даражада тубдан ислоҳ қилинмоқда. Ислохотлар жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, фаолиятини самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу чора-тадбирларнинг барчаси қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир”.

Ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг бир бўлаги бўлган инсон ўзининг умри давомида тўлақонли турмуш кечириши учун табиат ва жамият томонидан берилган маънавий-рухий, биофизиологик, моддий озуқалар билан озикланади. Бу инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида, фаровон ҳаёт кечиришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бироқ, инсон мавжуд оламдаги яшаш даврида турли тўсиқ ва қийинчиликларга учрашга, бошқача

қилиб айтганда, табиатан жабрланишга мойил ҳисобланади. Мазкур жабрланишдан ҳеч бир инсон холи ёки кафолатланган эмас. Айнан шунинг учун ҳам табиат ва жамиятнинг воқеа, ҳодиса ва жараёнларидан жабрланиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва белгилаш бутун дунё аҳлининг кўп йиллардан бери диққат марказидан ўрин олган масалаларидан бирига айланиб улгирган.

Жиноят содир этилишининг сабабларини аниқлашда, одам туғилишидан аввал унга ота-онадан ўтган ва унинг бутун умри давомида ривожланиши ва ташқи муҳит таъсирида шаклланидиган ирсий хусусиятларга асосланган психологияни ўрганиш бирламчи аҳамият касб этади. Маълум бир жиноятнинг содир этилишига олиб келган сабаблар жиноятчи шахси индивидуал ҳисобланганидек, доимо индивидуал бўлади.

Оила шахсининг шаклланишида муҳим ўрин тутаяди, чунки инсон шахс сифатида оилада шаклланади. Лекин шу билан бирга шахс ҳулқига фақатгина оилавий тарбия таъсир кўрсатмасдан, балки шахсининг биологик хусусиятлари ва ирсият унинг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Мутахассисларнинг аниқлашича, ёш улғайган сари, ирсий омилларнинг таъсири кўпайиб бориб, умумий муҳитнинг таъсири эса пасайиб боради. Натижада, катталарда агрессиянинг турига айнан генлар ва индивидуал муҳит таъсир этиб, агрессиянинг кўриниши турлари умумий генларнинг таъсирига боғлиқ бўлади.

Айрим тадқиқотлар натижасига кўра, одам ҳулқига организмдаги гормонлар миқдори ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, эркалар организмда нисбатан кўпроқ ишлаб чиқарилувчи тестостерон гормони агрессив ҳулқнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. *А.В.Лисованинг фикрича*, тестостерон гормони кўпроқ миқдорда бўлган эркалар, ўз оиласида ноҳуш муносабатларни вужудга келтиришга сабабчи бўлиши мумкин.

Э.Клэр фикрича, тестостерон ва агрессив ҳулқ ўзаро шундай боғлиқликка эгаки, агрессив ҳулқнинг ўзи тестостерон миқдорининг кўпайишига таъсир кўрсатиш ва шу билан бирга, тестостерон миқдорининг қонда кўпайиши агрессив ҳулқнинг омили бўлиши мумкин.

Даббас ва шериклари (Dabbs & others, 1987) тестостерон миқдори зўрлик ишлатиб жиноят содир этганлик учун жазога маҳкум қилинган эркаларда зўрлик ишлатмасдан жиноят содир этган эркаларга нисбатан юқорироқ эканлигини аниқлаганлар [4].

Ўз чақалоғини қасддан ўлдирган (ЎзР ЖКнинг 99-м.) аёлларни жинойий жавобгарликка тортишда, жиноятни тавсифлашда, аёл кишининг туғруқдан кейинги ҳолати билан бир қаторда жиноят содир этишга олиб келган биологик омиллар ҳам ҳисобга олиниш зарур. Бундай омилларга одам организмдаги улар унинг руҳий-эмоционал ҳолатига бевосита таъсир кўрсатадиган жараёнлар тушунилади. Масалан, гармонал фонининг ўзгариши натижасида, аёлларнинг ўз чақалоғини ўлдириши олдиндан пухта режалаштирилган ёки бу жиноят организмдаги физиологик ўзгариш сабабли келиб чиқиши муайян руҳий ҳолат таъсирида содир этилганлигини аниқлаш мумкин.

Ҳар бир жиноятнинг заминида ижтимоий омиллар ётади, чунки болани ижтимоий ҳаётга бўлган муносабати кичик муҳит яъни оила таъсирида шаклланади, лекин шу билан бирга жиноят содир этилишига таъсир кўрсатувчи биологик омилларга етарлича баҳо бермаслик ҳам хато бўлар эди.

Ҳеч бир одам жиноятчи бўлиб туғилмайди, лекин отаси ёки онаси жиноятчи бўлган боланинг ҳулқига ирсиятнинг таъсири алоҳида эътиборга моликдир. Агрессияга бўлган мойилликларнинг ўзи наслдан-насилга ўтмасдан, балки агрессияни намоён бўлиши эҳтимолини кучайтирувчи маълум бир ҳусусияти (масалан, шахснинг таъсирчанлиги, раҳбарликка бўлган интилиши) ўтиши.

Шахсдаги асабийлик ва ваҳимага муҳитнинг таъсирини ифодаловчи ирсий омилларнинг ролини ўрганиш натижасида, асабийлик ва ваҳима болаликда стрессга дучор бўлган болаларда юқори бўлиши аниқланган.

Шахс ҳулқининг етакчи мотивлари унинг бутун умри давомида шаклланади, уларнинг амалга оширилиши эса, улар вужудга келганидан анча кейин бўлиши мумкин. Етакчи мотивларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида оила алоҳида ўрин тутаяди. Шахснинг оилада шаклланиши ва кейинги ижтимоий ҳавфли ҳулқи ўртасида кескин фарқ мавжуд эмас. Улар ўртасида узвий алоқа ва изчиллик мавжуд. Етакчи мативларнинг мавжудлиги бевосита ҳулққа таъсир кўрсатувчи қўшимча мотивлар борлигини ҳам инкор этмайди.

Шахсни ўрганмасдан, унинг психологик ҳусусиятлари тузилиши, шахс яшаган ҳаётини билмасдан ва содир этилган жиноятни бошқа ҳаракатлар мажмуида кўриб чиқмасдан туриб, фақатгина қилмишларни таҳлил қилиш орқали мотивларнинг аниқланиши мумкин эмас.

Мотивация муҳит жиноятчи шахснинг эҳтиёжлари, қизиқшлари, фаолиятини ўзида бирлаштирувчи ахлоқий тузилишнинг асоси ҳисобланади. Мотив субъект ҳаракатларининг ички мазмунини ташкил этиб, шахсни ташқи муҳит билан бирлаштиради. Ушбу боғлиқлик қанчалик суст бўлса, шахс ҳам жамиятдан бегоналашган ва унинг ижтимоий ҳаёт билан бўлган алоқаси ҳам шунчалик сусаяди.

Чунки, айнан бу боғлиқликда шахс дунёни қабул қилиши, қандай мақсадларни кўзлаши, бошқа шахслар билан алоқа ва улар ўртасидаги ўрни акс этади.

Бир қатор жиноятлар, хусусан одам ўлдиришнинг мотиви баъзан инсон руҳиятининг қаърида ётади, у жиноятчи томонидан англабмайди, бу биринчи навбатда жинсий муносабатлар замиридаги одам ўлдиришга тегишлидир. Кўпинча мотив шахс ичидан ажарлиб олинмасдан, шахснинг жинсий ҳаракатларига фақат ташқи баҳо бериш орқали, масалан “қасддан жиноят содир этишнинг мотиви-қасд”, “муҳаббат заминида содир этилган жиноятларнинг мотиви рашқ” дея таъкидланади. Жиноятнинг фақат бир турдаги мотивларини ажратиш эса, ўз навбатида жиноятни аниқ ва тўғри квалификация қилишга тўсқинлик қилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бир қатор жиноятлар, жумладан одам ўлдиришнинг мотивлари одам руҳиятида шакллана бошлайди ва жиноятчи томонидан англолмайди. Бу биринчи навбатда жинсий муносабатлар заминида содир этиладиган жиноятларга тегишлидир.

Қайд этилишича, 2021 йил давомида Республикамизда жами 426 та қотиллик жинояти содир этилган бўлиб, (2020 йилда 406 та содир этилган) ўтган йилга нисбатан 4.9 фоизга кўпайган. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва Андижон вилоятларида ошганлиги ҳисобига тўғри келади [5].

2021 йил давомида содир этилган қотиллик жиноятларнинг 158 таси яъни 37.1 фоизи оила-турмуш муносабатларида содир этилган. Буларнинг энг ачинарлиси мазкур жиноятларнинг 50 таси хотин-қизлар томонидан содир этилгани.

Ушбу йўналишда ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича тегишли идора ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда уларни имкониятларидан кенг фойдоланган ҳолда профилактик ишларни олиб бориш лозим бўлади.

Қотиллик жиноятлари аксарият ҳолларда оила-турмуш ва кўни-кўшни, ака-ука ёки қариндошлар билан боғлиқ муаммолар оқибатида юз бермоқда.

Оила аъзолари ўртасидаги ғаразли муносабатлар, адоват кўпинча секин-асталик билан ривожланади. Баъзан жуда узоқ вақт мобайнида давом этган уриш-жанжаллар, ҳақоратлар, калтаклашлар, турли хил кўрkitишлар заминида одам ўлдириш содир этилади.

Оилавий муносабатларни криминологик нуқтаий назардан тузатиш умумий профилактик чоралар тизимидан иборат бўлиб, улар оилага таъсир кўрсатиш йўли билан нафақат оиладаги махсус чоралар ҳақида гапиришдан олдин қуйдаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини қайд этиш лозим бўлади:

Муайян низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

Оиланинг ижобий имкониятларидан фойдаланиш;

Оила институтидаги қарама-қаршиликларга чек қўйиш;

Оила аъзоларига оиланинг салбий таъсирига барҳам бериш учун шарт-шароитлар яратиш.

Юқоридаги чора-тадбирлар жиноятчиликнинг умумий даражасини пасайтиришга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасидан ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимиологик турлари кўрсатилган бўлиб, ушбу ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турларидан келиб чиққан ҳолда жиноятларни олдини олишимиз учун қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорликда ишларни амалга ошириш лозим.

Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи субъектларни ҳам бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи соҳавий хизматлар сифатида икки гуруҳга ажратиш ўрганиш мумкин.

МУҲОКАМА

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини бевосита амалга ошувчи соҳавий хизматларга қуйдагилар киради:

- Жамоат хавфсизлиги департаменти ва унинг жойлардаги тизималари;
- Тергов департаменти ва унинг жойлардаги тизималари;
- Тезкор-кириув департаменти ва унинг жойлардаги тизималари;
- Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти;
- Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва унинг жойлардаги тизималари.

Юқорида қайд этилган субъектлар зиммасига қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, ички ишлар вазирлигининг ички буйруқлари асосида фаолият йўналишлари билан бевосита алоқадор бўлган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг амалга ошириш вазифалари юклатилган.

Одам ўлдиришда асосан ахлоққа зид хулқ-атвор ёки айбдорда агрессия, ғазаб ва бошқа салбий эмоциялар ва ҳолатларни кучайтириувчи ғайриқонуний хулқ-атвор таъсири остида туғилади.

Одам ўлдиришга қасд баъзан кўрқитиш, жисмоний зўрлик ишлатиш, дўппослаш, таҳқирлаш, ҳақорат қилиш, қўпол ёки шафқатсиз муомалада бўлиш, моддий зарар етказиш ва ҳоказолар таъсири остида туғилади.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини очишда профилактика инспекторлари жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари билан асосан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

- Бедарак йўқолганларнинг қидирувини амалга ошириш ҳамда номаълум мурдаларни шахсини аниқлаш;
- Худудда содир этилган жиноятларни “иссиқ изи”дан, тез ва сифатли очиш;
- Ўтган йилларда содир этилиб, очилмай келаётган қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этиш.

Қасддан одам ўлдиришнинг юқори ижтимоий хавфлилиги жиноятчи шахсининг жабрланувчига қилган ашаддий ҳаракатларини билдирувчи, жабрланувчига нисбатан қаттиқ қийноқларни етказганлигини онгли равишда содир этганлиги билан боғлиқдир. Қилмишнинг оғирлиги қотилнинг қилган ҳаракатларининг хусусиятлари билан белгиланиши мумкин.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчига нисбатан бевосита ҳаётдан маҳрум қилишдан олдин унга етказилган қаттиқ азоблар, қийнаш, бир қанча тан жароҳати етказиш, азобли оғриқ етказувчи захар бериш ва бошқалар амалга оширилганда ўта ваҳшийлик билан содир этилган деб тан олинади. Ўта ваҳшийлик жабрланувчининг яқинлар ва қариндошларига, жиноят содир этиш жойида бўлган шахсларга нисбатан берилган

азоб-уқубатларда ва бошқаларда намоён бўлиши мумкин.

Ушбу жиноятларни тавсифлашда алоҳида қийинчиликларни туғдирадиган бу одам ўлдириш жараёнида шахсга берилган кўпгина тан жароҳати етказилганлиги далилларини баҳолашдир.

Ўта вахшийлик билан содир этилган қотиллик жинояти таркибининг ажралмас элементи бўлиб субъектив ҳолатлар-жиноятчи томонидан ўта вахшийликни содир этаётганлигини, жабрланувчига, унинг яқунлар, қариндошларига ўта азобларни етказишни истаганлиги, хоҳлаганлигини англаш ва бу ҳолатларни содир этишга онгли равишда йўл қўйганлиги ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда очилмай қолган жиноятларни очиш, айбдорларни фош этиш ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига амал қилинишини таъминлаш вазифаси асосан тергов ва тезкор-қидирув хизматлари ходимларининг зиммасига юклатилади. Бироқ, ҳар бир профилактика инспекторларидан ўзи фаолият олиб бораётган маъмурий ҳудудда содир этилиб, очилмай келаётган қасддан одам ўлдириш жиноятини очиш мақсадида фаол бўлиши талаб этилади. Бунинг учун профилактика инспекторлари соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликда ҳар бир очилмай қолган қасддан одам ўлдириш жинояти юзасидан ишчи гуруҳлар тузиб, қўшимча режа ишлаб чиқиш ва жиноятни олдини олишга қаратилган мақсадли йўналтирилган чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қасддан одам ўлдириш жиноятини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: амалий-услубий қўлланма/ И.Исмаилов, Б.Э.Закиров, Ж.С.Мухтаров ва бошқ.; масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д.М.Миразов.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 157 б.
2. 2016 йил 9 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Либерал-демакрatik партиясининг VIII съездида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Республика Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг “Жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳар фандай жиноятга адолатли баҳо беришга қаратилган ишларимиз кескин кучайтирилади”номли остида ўтган маърузаси.
3. <http://www.health-ua.org/archives/health/189>.
4. <http://www.law.justia.com/cases/California/calapp3d/188/1437.html>.
5. <http://www.vocabulary.ru/word/204>.
6. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д. проф. М.Х.Рустамбоев. – Т. ТДЮИ нашриёти, 2008. – 305 бет.
7. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг 2021 йилдаги жиноятга оид статистик ҳисоботлари.